

НАВРЎ ҲИМНИ

КИТЛУК

БЎЛСИН!

ЎЗНОМА
1930 ЙИЛ
12 МАЙДАН
ЧИҚА
БОШЛАГАН



Тасаввўф

Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот учун!

ЎЗБЕКИСТОН ССЖ ИИВ ҲАЙЪАТИ НАШРИ

● 25 (2289)

● 1991 ЙИЛ 21 МАРТ

● ПАЙШАНБА

● БАҲОСИ 10 ТИЙИН

ТАНТАНА САДОЛАРИ ДАВОМ ЭТАВЕРСИН

Бугун ўлкамизда жуда катта тантана. Узоқ кутилган Наврўз байрами ҳам етиб келди.

Бу йил Наврўз ўзгача хуррамлик, шодиёналик билан ўтмоқда. «Жумҳуриятимизда инсоний қадриятларни янада камол топтириш, ўз-ўзига ишонч руҳи ва миллий гурурни мустаҳкамлаш, дўстлик, биродарлик, ҳамжиҳатлик, меҳр-шафқатни улуглаш, маданий ва тарихий анъаналарни давом эттириш ҳамда ривожлантириш, асрлар давомида шаклланган урф-одатлар ва удумларни эъзозлаш мақсадида Наврўз байрамини кенг нишонлаш» учун унга катта даярлик билан келдик. Президентимиз И. А. Каримовнинг бу шодиёналик зўр тантана билан ўтказиш ҳақида махсус фармон қабул қилгани ҳам шундан далolat. Наврўз кунлари жазо муддатини ўтаётганлардан анчаси авф этилишини ҳам айтиб ўтишим зарур. Бу аждодларимиз удумларига ҳурмат билан қарашдир.

Наврўзи олам ана шундай урф-одатларни янада бойтаверсин. Маълумки, шу қутлуғ кунларда ота-боболаримиз турли жанжалларни тўхтатиб, бир-бирлари билан ярашишган, ёмон ниятдаги кимсаларни кўнчилик бўлиб тарбиялашган. Ниятим — бугунги Наврўздан кейин турли кўнгилсизлик, дилхиралликлар камайсин. Хонадонларда осойишталик ҳукм сурсин. Бу байрам одамларнинг дилига яхши ниятлар, эзгу истаклар олиб кирсин.

Фурсатдан фойдаланиб, ички ишлар идораларида хизмат қилувчи барча ходимларимизни, «Постда» рўзномаси мухлисларини, уларнинг онла аъзоларини Наврўз айёми билан муборакбод этаман. Тилагим — ҳаммиша катта хурсандчилик, меҳроқибат ёр бўлсин. Бугунги тантана садолари эса йил бўйи давом этаверсин.

Вячеслав КАМОЛОВ,
жумҳурият ички ишлар вазири, генерал-майор.



САВОБ ИШ ҚИЛГАНМИСИЗ?

Халқимизнинг бетақдор удумлари бор. Яхши-ёмон кунларида чор-атрофдагиларни унутиб қўймайди. «Савобгарчиликка қилдим», «Савоб ишга у қўл урганми ҳеч қачон?», «Савобни фалончидан ўрган». Қулоққа тез-тез чалиниб турадиган бу жумлалар юртдошларимиз саховатидан далolat бериб турибди.

Бугун биз бу сўзларни бежизга эсламаётимиз. Бозор иқтисодиёти мўр-малаҳдай босиб келаётган давларда хизмат бурчини ўташ пайтида ҳалок бўлган ички ишлар ходимларининг оилалари қандай кун кечирмоқда? Кўксини қалқон қилиб, жон фидо этган инсоннинг фарзандлари ота

меҳридангина эмас, яна бошқа нарсалардан жудо эмасми-кан? Кечагина сафимизда ёнма-ён турган ва кўп марта бирга туз-намак бўлган марҳум хизматдошимизнинг бир этак боласи кўз тиккан қозонда нима қайнаётми?

Арғимчоқ солган турналардай тизилиб келаётган савоблар билан сизларни изтиробга солган бўлсак, минг бора уэр. Зеро бундай оилаларни баҳоли қудрат суяб туриш — ҳар бир кишининг виждонига ҳавола. Кимнидир кимдир ёқасидан тутиб, савоб ишга етак-полмайди.

Шунинг учун биз УЗССЖ

ИИВ тарбиялаш, ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоялаш бошқармаси ходимларининг муқаддас байрамимиз кўни бир кунлик иш ҳақларини ҳалок бўлган ходимлар оиласига ўтказиш ҳақидаги эзгу ниятларини тасодифан билиб қолганимизда, бу ташаббусни бировнинг зуғуми билан эмас, қалб индоси билан қувватлашга аҳд-паймон қилдик. «Постда» рўзномасининг ижодий жамоаси ҳам бир кунлик иш ҳақини номлари қалбимизда мангу қолган сафдошларимиз оиласига амалий кўмак учун ўтказди. Рўзномамизда бу савоб ишдан четда қолмаётганлар ҳақида хабар бериб борамиз.

Ҳалима ХУДОИБЕРДИЕВА.

НАВРЎ

Мен бу кун таъзимдадурман еру осмон олдида, Ҳам унда ҳоқими мутлақ — ҳазрати инсон олдида, Ҳар гийҳним кўз очувчи титраган жон олдида, Тириклик шавқини берган борки имкон олдида, Юзларим олмоқда ол ранг тонгги нурафшон олдида.

Дур либослар ичра бўздан тўн бичмаганлар ҳақи, Ҳавзи кавсар ўртасинда сув ичмаганлар ҳақи, Минг бор ўлиб, сўнгги дам бир бахт қучмаганлар ҳақи, Фасли баҳор, васли ёра ёлчимаганлар ҳақи, Мен бу кун созимни созлай бор орзу-армон олдида.

Шодумон боққа югургим, тонгги муштоқ орттириб, Қирқта қилган сочларимни тилла сувда қотириб, Наврўзона шавқ-ла қуйлай гунчани уйғоттириб, Ва сўзлайким: «Қуёш келди, ғам ойини боттириб», — Ғам на қилсун, ул мунаввар шамъи шабистон олдида.

Оппоқ олча гулларига кўз тушган он яйрадим, Сархуш бир ўт туташгандай қизиди қон, яйрадим, Ҳаёт менга яна кўклам қилмиш эҳсон яйрадим, Оҳ, яшамоқ! Нақ танамдан чиққудек жон яйрадим, Бу дунё қадрини сўрманг яйраган жон олдида.

Унга интиқ, аммо боғин кезмаганлар бўлди-ку, Ялпиз ҳиди анқиган дам сезмаганлар бўлди-ку, Қишда торайган юракни ёзмаганлар бўлди-ку, Улар кетгач, интиқ-интиқ ёдлаганлар бўлди-ку, Гарчанд улар қатрадулар дарёйи уммон олдида.

Улар ҳақда тўлиб-тўлиб хотиротлар бошласам, Соғинган дийдорларин қўмсаб кўзим ёшласам, Маънос тортиб қолар ахир, у кулгувчи гунча ҳам, Дейман: «Гунча кулгусига ғамгин оҳанг қўшмасам», Шул сабаб, шод чарх урарман бу чархи даврон олдида.

Тингланг, незар боғлар аро куртакларининг кулгуси, Авжламоқда бора-бора гўдакларнинг кулгуси, Бу туйгулар балки бир кун мени шоир қилгуси, Унда созроқ қуйлаб бергум ҳаёт гулин хуш исин Ва тириклик қўшигини жумлаи жаҳон олдида.

ЎЗНОМАСЕВАР ТАБРИҒИ

Ассалому алайкум, «Постда» рўзномаси ходимлари! Сизларни энг аввало НАВРЎЗ билан чин юрагимдан муборакбод этаман. Мустаҳкам соғлик-саломатлик, масъулиятли ишларингизда каттадан-катта омад тилайман.

Йил бошидан бери рўзномаларингизни зўр қизиқиш билан мутолаа қилиб келаялман. Жумҳуриятимизда рўй бераётган жиноятлар ва уларни фаш этиш жараёнлари билан танишялман. Тўғриси айтсам, милиция ходимларини бежиз тинчлик посбонлари деб аташмасликларига энди тушундим. Сизларнинг рўзномаларингиз сабабли менда миллионерликдай машаққатли касбга ҳавас уйғонди. Яна бир бор миллий айёмингиз қутлуғ бўлсин.

Ҳурмат билан
Асриддин ҲАМРОЕВ,
Самарқанд вилояти, Каттақўрғон тумани.

ИЛОҲИ, ҲАР КУНИНГ НАВРҮЗ БЎЛСУН,

БИЗДА ШУНДАЙ АНЪАНА БОР

Милиция ходимининг бўш пайти кам бўлади. Лекин мен ана шундай бўш пайтларимда хаёл суришни яхши кўраман. Йиллар тумани ортида тобора хира тортиб бораётган ўтмиш хотиралари қайтадан киши кўз ўнгиде гавдаланади.

Нуронийларимиз маъзур тутсинлар-у, ёш бўлсам ҳам анча-мунча нарсаларни кўриб қўйибман. Босиб-ўтилган умр қанчалик азиз бўлмасин, эслаганда юракка ранж-алам кўланкасини ташлайдиган жиҳатлари ҳам йўқ эмас.

Дўппининг ўрнига бошни келтирадиган ижрочилар сиёсатимизни бошқараётган даврларда кўп қадриятларимиз бой берилди. Юракдаги имон юмюм йиғлаётган ўша даврларда кўзимизнинг ёшини яшириб, зўрма-зўраки кулишга мажбур бўлганмиз. Нияти қора сиёсатдонларнинг ногорасига ўйнаб, ҳатто Наврўзга — ота-боболаримизнинг минглаб йиллик табарруқ удумларига тош отганмиз. Наврўзда шод-хуррамлик қилмоқчи бўлганларни мажбур тарқатишга, ҳатто сумалакдек лазиз таомдан бенасиб қилишга ҳаракат қилганмиз.

Ҳақиқат эгилади, бўкилади, лекин синмайди, деб бежиз айтишмаган экан. Минглаб, миллионлаб одамларнинг юрагидеги Наврўзга интиқлик барибир ғалаба қозонди. Ҳақиқат жаҳолатдан устун келди. Ана шу фикр исботини туманимиз ИИБ ходимлари мисолида ҳам кўриш мумкин.

Тўғриси айтганда, ҳамкасбларимизнинг миллий байрамимиз шукуҳига бу қадар чанқоқлигини сезмаган эканман. Бу ишда, айниқса, менинг ўринбосарим, милиция капитани Муҳаммадjon Юнусов ҳиссаси катта бўлди. У барча ташкилий ишларни ўз зиммасига олди ва қойилмақом қилиб адо этди. Шундай қилиб, 1989 йил Наврўзини унинг ҳовлисида нишонладик.

Бултургиси эса янада фа-

раҳбахш бўлиб ўтди. Чунки тажрибамиз бор, тайёргарликни анча олдиндан бошлагандик. Бу сафар ҳам милиция капитани Муҳаммадjon Юнусов оёғи олти, қўли етти бўлиб хизмат қилди. 26 март куни ИИБ ҳовлисидаги катта дошқозонларда сумалак қайнади. Юзларига ажин тушган азиз онажонларимиз доира чалиб, халқ қўшиқларини шунақа маҳорат билан ижро этишдики, қалбимиздаги қувонч уммонини яшира олмадик. Мириқиб рақсга тушдик.

Эртаси куни тонг саҳардан шод-хуррамликни яна давом эттирдик. Йигитларимизни доимо формада кўриб, кўзларим ўрганиб қолган экан. Бу кун уларнинг аксарияти эгнида оддий костюм, бошларида эса андижонча дўппи. Аёлларимиз эса камалакранг атлас кўйлақда. Уларга боқиб кўзларим қувнайди: қаранг, миллий кийимларимиз қандай ярашқили, дейман ўзимга ўзим.

Кўп ўтмай Жалолқудуқ, Хўжаобод, Советобод ҳамда Ўш вилоятидаги Қорасув туманлари ички ишлар бўлимларидан меҳмонлар ташриф буюришди. Биз азалдан бир майзини қирқ киши бўлиб еган халқ вакилларимиз, шунинг учун ҳам икки қозонда пишган сумалак — кўкларнинг бебаҳо неъматини ҳаммамизга етди.

Кейин театрлаштирилган саҳна кўринишлари намойиш этилди. Милиция сержанти Маҳмудjon Мирзакаримов «куёв» бўлди, «келин»ни эса таний олмадим. Лекин гап бунда эмас. Муҳими улар гапга чечан «янга»лар ёрдамида тўйлардаги ёқимли урф-одатларимизни саҳна кўринишида ижро этишди.

Алла! Кекса момоларимиздан мерос бўлиб қолган бу қўшиқнинг аҳамияти беқиёс. Бешикда ётган чақалоқ ҳаётининг дастлабки кунларидан бошлаб алла эшитди. Шу туфайли унинг мурғак қалбига, одоб, ҳаё, ифрат, мардик,

ватанга, юртга, халққа нисбатан буюк муҳаббат ҳислари жойланади.

Кейинги пайтларда аёлларимиз алла айтишни унутиб қўйишяпти, деган гапларни эшитсам, кўнглимни афсус ва надоматга, ўралган маъюслик чулғаб оларди. Йўқ, унчалик эмас экан, оқида рафиқаларимиз оналарнинг муқаддас қўшиғини маҳорат билан айтишди. Шу билан бирга пазандалик бўйича ҳам ажойиб беллашув ўтказдилар.

Хуллас, ўтган йилги Наврўз ҳеч кимнинг ёдидан чиқмайдиган ўзига хос шодиёна бўлди.

Бу йил 29 март куни ўтказилган тадбиримиз ҳар қачонгидан ҳам файзли-тароватли бўлади, деб ўйлайман. Ўша куни лоторея ўйинлари, спорт мусобақалари, пазандалик беллашувлари бўлади. Яна қўшни туманларда эл-юрт осойишталигини сақлаётган ҳамкасбларимизни, энг муҳими, Ўш вилоятидаги чегарадош туманлар тартиб посбонларини меҳмонга таклиф этамиз. Бизнинг бу таклифимиз ва уларнинг ташрифи Ўш воқеалари муносабати билан юзага келган хижилликларни ювиб кетишга буткул ишонаман. Чунки Наврўз покланиш, янгилиниш байрамидир.

Яна шунини айтишим керакки, ички ишлар бўлимимизда бурчига содиқ сафдошларимиз кўп. Участка вакилларидан милиция капитани Ҳамидjon Иброҳимов, милиция лейтенанти Иброҳимjon Жўраев, навбатчи қисмдан милиция лейтенанти Бахтиёр Раҳимов ва бошқалар шулар жумласидандир.

Мен энг аввало уларга, қолаверса, жумҳуриятимиздаги барча тинчлик посбонларига қўлимни кўксимга қўйиб дейман: Наврўзингиз қутлуг бўлсин, азизлар.

Ҳабибулла
МУҲАММЕДОВ,
Қўрғонтепа тумани ИИБ
бошлиғи, милиция майори.

АБДУЛЛА ОРИПОВ

БАҲОР СЕНИКИДИР

(Қизим ЮЛДУЗГА)

Баҳор сеникидир,
Югур энтиқиб,
Югур адирларнинг долазорига,
Мен эса қувонай кўзимни тикиб,
Тоғларнинг ҳаётбахш, тоза қорига,
Баҳор сеникидир,
Толма елишдан,
Югур сочларингга баргақлар тақиб,
Мен эса қувонай қаҳратон қишдан,
Омон чиқа олган илдиизга боқиб.

Қизлар фол очади

Наврўз турли халқларда турлича байрам қилинади. Масалан, Эронда Наврўзга аталган алоҳида дастурхон ёзилиб, унга «С», «М» ёки «Ш» ҳарфи билан бошланадиган етти хил таом қўйилади. Бунини «Ҳафтсин» деб атайдилар. Янги йилда турмушимиз ёрқин бўлсин, деб дастурхон ёзилган столга катта кўзгу ўрнатишиб, унинг ёнига икки шам ёқиб қўядилар. Бу шамлар охиригача ёниб тамом бўлиши керак. Шунда хонадон аҳлининг умри узоқ бўлади. Шамнинг ёнида қосада сув туради. Унда балиқча ёки кўк барг сузиб юриши керак. Шу кунини совуқ миқозли кишилар сут, иссиқ миқозлилар эса қатиқ ичишади. Гўё Наврўзда шундай қилинса, миқозлари меъёрига тушар эмиш.

Йил бўйи сарсон-саргардон бўлиб юрмаслик учун эронликлар Наврўзни ўз уйларида кутадилар. Уларнинг таъбирига кўра, шу кунини эрта билан уйга эркак киши кириб келса, янги йил яхшилик келтирар эмиш. Бу одатни қаттиқ ушлаган ҳар бир эронлик эрта тонгда кўчага чиқади-да, биринчи бўлиб ўз эшигидан кириб келади.

Шу кунини уйдаги сопол идишлар янгиланади. Болалар гўда-гўда бўлиб, қошиқ билан бирорта идишни чалишиб, ҳовлима-ҳовли ҳайитлик йиғишади. Қизлар кўзаларга тиниқ булоқлардан сув олади-да, унга узукларини ташлаб, бахтларидан фол очадилар. Наврўз бир неча кун давом этиб, турли сайлларга уланиб кетади.



НАВРҮЗ КЕЧИРАДИ

Янги йилимиз жумҳуриятдаги юзлаб хонадонларга ўзгача байрам кайфияти, бошқача завқу шавқ, соғинган кўзларга нур бахшида этмоқда. Чунки Наврўз туфайли ахлоқ тузатиш муассасаларида содир этилган жиноятлари учун жазо муддатини ўтаётганлардан катта бир қисмининг гуноҳи кечилмоқда.

Энг аввало авфга эҳтиётсизлиги оқибатида қонунга хилоф ҳатти-ҳаракатлар қилган кишилар тушади. Кейинги гуруҳни биринчи марта судланганлар, вояга етмаган болалари бор аёллар ташкил этади.

Қилган жиноятдан астойдил пушаймон чекиб, муассаса тартиб-интизомини бузмаган ва ўзининг хулқ-атвори билан тузалиш йўлига кирганини билдирган маҳкумлар ҳам авф шарофатидан баҳраманд бўладилар.

Ўз-ўзидан равшанки, озодликка чиқётганларга ҳеч қандай шарт қўйилмайди. Бироқ қадим-қадимдан Наврўз кечирган шахслар яна йўлдан озадиган бўлсалар, халқнинг чексиз қаҳр-ғазабига учрашган.

Ғ. БОЛТАБОВ.

Наврўз тонгги... Бугун ҳатто бешикдаги чақалоқ ҳам карнай-сурнай садосидан уйғонди. Тунни муштоқлик билан ўтказганлар ғира-ширадаёқ боғлар, адирлар томон югурик сой янглиғ елдилар. Кўзлар атрофдаги янгиликдан ял-ял ёнади, кўнгишлар гуллар ҳидидан маст бўлиб, қалблар потирлайди. Гўдақлар қушлар чуғурига монанд шод қийқирадилар, бўз йигитлар ҳовучида севгилсига сув тутуди. Кексалар олча гулин кўзига суртиб, шукрона айтиб пичирлайди.

Мен бу кун таъзимдадурман еру осмон олдиде, Ҳам унда ҳоқими мутлақ-ҳазрати инсон олдиде, Ҳар гиёҳким кўз очувчи титраган жон олдиде, Тириклик шавқини берган борки имкон олдиде, Юзларим олмоқда ол ранг тонгги нурафшон олдиде.

Шонра айтганидек, ушбу тонгда барча чехралар ол ранг билан безанган. Бу тонг Янги йил, Янги кун, Янги меҳнат тонгидир. Бу тонг — эзгулик, меҳр-муҳаббат, яшариш, қадр-қиммат, ҳиммат тонгидир. Неча-неча асрдан бери халқимиз бу тонгни шу тахлит кутиб олади.

Маълумки, ўзбек халқи йилномасининг биринчи ойи Ҳамалдир. Баҳорнинг ilk ойи бўлмиш Ҳамад 21 мартдан 21 апрелгача давом этади. «Ҳамал» арабча сўз бўлиб, «қўзи» деган маънони англатади. Қадимги мунажжимлар 12 юлдуз буржидан биринчисига кирувчи ёритқичлар тўпни кўзига ўхшатишган ва шу номда атай бошлаганлар. Аждодларимиз ҳисоб-китобида кўра, йилнинг яшариш фасли ернинг шимолий ярим шариде баҳорги кеча-кундуз тенглигидан ёзги кўёш турғунлигигача, яъни кундузи энг узоқ, кечаси энг қисқа бўлган кунгача давом этган. Шунга кўра, Ўрта Осиё, ва Яқин Шарқ халқлари қарийб тўрт минг йилдан бери кеча билан кундузи тенглашган 21 мартни «Янги йил» ҳисоблаб, уни тантанали нишонлаб келганлар. Бу ҳақда жаҳонга донги кетган буюк боболаримиз ўз асарларида ёзиб қолдиршган.

«Шоҳнома» достониде Фирдавсийнинг берган маълум-

ҲАЁТ ГУЛИН

мотига кўра, Наврўз афсонавий шоҳ Жамшид даврида байрам деб эълон қилинган экан.

Абу Райҳон Берунийнинг «Китоб-ат тавҳим», «Осор-ул Боқия» деб аталган китобларида эса Наврўзнинг аҳомийлар замонидан бошлаб анъанага айлангани, сўнгра тупроғимизга арабларнинг қадам қўйиши билан бир неча йиллар бу тантананага чек қўйилгани, сарой аҳли Наврўзни расман тақиқласада, фуқаро севимли байрамини ҳеч бир йил тарк этмасдан, яширинча бўлсада, нишонлаб келгани тўғрисида ёзилган. Бу нодир асарларда таъкидланишича, аждодларимиз араб ҳалифалигидан озода бўлганидан сўнг, IX-X асрларда Наврўзни яна кенг миқёсда кутиб ола бошлаган. Наврўз кунлари Сосоний подшолари турли тоифадаги халқни қабул қилиб, уларга тортиқлар берганлар. Шу кунини маҳбуслар озодликка чиқарилган.

Рубонийлари бутун инсониятнинг жавоҳир мулкига айланган буюк мутафаккир Умар Ҳайём ҳам Наврўзни дилтортар дўсту қариндошлар билан табиат бағрида кутиб олишга, хурсандчилик ила ўтказишга даъват этади:

Гул узра кўкларнинг шабнами яхши,
Чаманда юз очган ҳамдами яхши,
Яхшимас кечаги кундан сўз очмоқ,
Қувнаб қол, бу куннинг ҳар дами яхши.
Инсоннинг қадр-қиммати яхши-ёмон кунда билиниши тўғрисида, одамгарчиликнинг юксаклиги ҳақида шундай дейди:

Бир ғариб кўнглини қила олсанг шод,
Яхшидир ер юзини қилгандан обод,
Лутфинг-ла бир филни қул қила олсанг,
Афзалдир юз қулни қилгандан озода.

ҲАМИША ТОЛЕЪИНГ ФЕРУЗ БЎЛСУН



КЎНГИЛЛАР ШОДЛАНАДИ

Наврўз! Бу сўз бугун ҳаманинг тилида, дилида. Қимирлаган жон борки, бу тангани шод-хуррамлик билан ўтказиш учун унга катта тайёргарлик билан келган. Шу ўрнида бир гапни айтиб кетмоқчиман. Наврўз умум-халқ байрамига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш жумҳурият ташкилий қўмитаси тузилгани нур устига нур бўлди. Шундан келиб чиқиб, вилоятимиз осойишталик побонлари ҳам Наврўзга бу йил бошқача таратуд кўришди.

Тантана кунлари, албатта, биз ўз ишимизни бажарамиз — халқимиз осойишталигини сақлаймиз. Бу — бизнинг муқаддас бурчимиз. Бундан ташқари ўзимиз ҳам байрамни муносиб кутиб олишга ҳаракат қилдик. Шунинг учун ҳар бир туман, шаҳар ИИБ бошлиқлари ички ишлар идораларида Наврўзни нишонлаш комиссиясининг раиси этиб сайланганлар. Жойларда милиция ходимлари онла аъзолари билан тўпланишиб, дошқозонларда сумалак ва турли хил баҳор таомлари пиширадилар, ўйин-кулиги қилдилар. Бу шод-хуррамлик қишлоқларда, жамоаларда, хибонларда давом этади.

Наврўзнинг энг яхши анъаналаридан бири шу кунги дўсту биродарлар, ҳурматли оқсоқоллар, хаста кишиларни йўқлаш уларнинг кўнглини кўтаришдир. Шу мақсадда биз 21 март кунги ички ишлар идораларида кўп йиллар хизмат қилиб, айни пайтда кексалик ҳордигидаги қарияларимиз, ҳуқуқ-тартиботни сақлаш йўлида ногирон бўлиб қолган ҳамкасбларимизнинг хонадонларида бўлиб, уларни байрам билан муборакбод этамиз. Иккуниятимиздан келиб чиқиб, эсдалик совғалари ҳада этамиз, моддий ёрдам берамиз. Шу кунги вилоятимиз ички ишлар бошқармаси ходимлари хизмат вазифини адо этаётиб ҳалок бўлган милиционерларнинг қабрини зиёрат этишиб, марҳумларнинг оила аъзолари ҳолидан хабар олишади. Наврўз кунги бу таширф ўзгачадир.

Наврўзни қимирлаган жон қарши олади, дедим. Унинг шодийнасида ҳеч бир кимса бенасиб қолмаслиги керак. Маълумки, вилоятимиз ҳудудида ахлоқ тузатиш муассасалари мавжуд. У ердаги маҳбуслар ҳам инсон. Фақат ножўя ҳаракатлари, эҳтиётсизликлари учунгина жазо муддатини ўташмоқда. Ходимларимиз билан келишиб, у ерларда ҳам Наврўзни нишонлашга аҳд қилдик. Сумалак ва бошқа хил байрам таомлари тайёрлаш учун маблаг ажратилди. Масалан, 18 март кунги ахлоқ тузатиш муассасаларидан бирига вилоятимизнинг ҳурматли оқсоқоллари, дондгор кишилари, санъаткор ва адибларидан бир гуруҳи келиб, байрам учрашуви ўтказдилар. Дастурхонга Наврўз неъматлари тортилди. Турли ҳикматли сўзлар, ривоят, қўшиқлар янгради. Умуман айтганда бу учрашув жуда ҳаяжонли тарзда ўтди.

Наврўз байрамини ҳар доим фақат меҳр-оқибат, яхшилик, қадр-қиммат, шодлик уруғини сепиб келган. Ҳар доим ҳам шундай бўлиб қолсин! Наврўзнингиз — янги йилнингиз қутлуг бўлсин, азиз ҳамкасблар!

Бегали РАҲМОНАЛИЕВ,
Қаҳқадарё вилояти ИИБ бошлиғининг биринчи ўринбосари, милиция полковниги.

ҚЎЛИНГНИ ОЧ, БОЛАМ...

Андижон вилоятининг Марҳамат туманида 90 ёшли кекса милиционер яшаётганлиги ҳақида эшитганим бор эди.

Наврўз байрами арафасида ўтмишимизнинг кекса тубоҳи билан учрашиш ниятида икуний сафарга отландим.

1902 йилда таваллуд топган Шариф бобо Қўшаев кўринишидан мункиллаб қолган бўлсада, ҳали тетик экан.

— Биттагина қизимиз бор. Лекин чиққан қиз чийдан ташқари, деганларидек, биздан узоқда яшайди. Ўз оиласининг ташвиши ўзига етади. Ишқилиб, омон бўлсин, — деб бобо топган-тутганини дастурхонга қўя бошлади. — Аксига олиб, қаранг, холангизнинг оёғи сал лат еган. Кексагиналик-да.

— Қўйинг, бобо, ҳеч нарсага овора бўлманг. Фақат сизнинг суҳбатингизни соғиниб келдик.

— Э, оворагарчилиги бор эканми? Қутлуг айём олди-дан бизни йўқлаб келибсизлар. Қани эди куч-қувватим бўлса, қўй сўйган бўлардим, болам, — шундай дея бир-бир босиб келиб, ликобчадги бодомни қўйдим.

— Ана, энди гаплашаверамиз, ўғлим. У бир муддат сукутда қолди, сарғиш, қуюқ қошлари чимирилиб, хира тортган нигоҳи бир нуқтага қадалди. Сўлгин бармоқлари эса ўсиб кетган мўйловини силай бошлади.

...Шарифжон Қўшаевнинг болалиги оғир йилларга тўғри келди. Биттагина қорини тўйдириш учун не ишларни қилмади дейсиз.

Кейинчалик, аниқроғи, 18 ёшида Андижондаги бирлашган милиция эскадронига взвод командирининг ёрдамчиси бўлиб ишга кирди-ю, ниҳоят мустақил ҳаёт йўлини топиб олганига ишонди. Суронли йилларда Сотволди қози, уста Рўзимат, Аҳмад қўрбошиларнинг босмачи галаларини бартараф этишда ўрнат қўрсатди. Ҳаёт ва ўлим ёнма-ён турган таҳликали дамларни бошидан кечирди, яккама-якка олишувларда яраланган пайтлари ҳам бўлди.

— У пайтлар чиндан ҳам оғир эди, — дейди Шариф бобо. — Бир ёқда босмачилар таҳдиди, бир ёқда панада юрадиган жиноятчилар. 1933 йилда ҳозирги Избоскан туманига участка вакили бўлиб бордим.

Кеч куз ойлари эди. Пахта тераётган аёллар қонга беланган шолчани кўришибди. Жиноятнинг ҳиди келарди. Шошилиб маҳалла қўмитасининг раисига учрашдим. Шубҳали кишилар ким эканлиги билан қизиқдим. Раиснинг айтишига қараганда, шу маҳаллада яшовчи бир нашафуруш икки-уч кундан бери кўринмай қолган экан. Исми эсимда йўқ, шу одамнинг уйини кириб кўрдик. Ҳамма нарса жойида, бирорта ҳам шубҳа уйғотадиган из тополмадик. Қўни-қўшнилар ҳам бирор гап айтишолмади. Бошим қотди. Нима қилиш керак? Агар фурсат бой берилса, излар совиб, жиноятчини топиш амримаҳол бўлиб қолади.

Шунда маҳалла қўмитаси раисининг топқирлигига қўйил қолдим. У кишининг

маслаҳати билан ашаддий нашаванд бир кимсаннинг хонадонига сездирмай кириб бордим. Ҳаракатим зое кетмади. Унинг уйдан анчагина миқдорда наша топиб олдим. Тахминимча, бу наша марҳумга тегишли бўлган. Лекин булар тахмин. Ишотлаш керак. Акс ҳолда...

Ҳовлига чиқдим. Ногоҳон ҳовлининг ўртасида, қандайдир экин экилиб, ҳосили йиғиштириб олинган бир парча жойга хазон бўлган барглари тушиб қолганини кўрдим. Тўкилган десам, атрофда довдарахт йўқ.

Янглишмаган эканман. Кетмон билан ўша ерни кавлаб кўрсам, марҳумнинг жасди чиқди.

Бу Шариф бобо фаолиятидан бир лавҳа, холос. Аслида ўтган умри бундай ҳаяжонли воқеаларга бой. Ўз касбига содиқ милиционер 1963 йилгача эл-юрт осойишталигини муҳофаза қилди. Ҳозир эса кексалик гаштини сурапти.

— Бобо, бугун кўпчиликни жиноятчиликнинг ўсиб бораётгани ташвишга солапти...

— Чиндан шундай, — дея ух тортади суҳбатдошим ўйчан. — Биласизми ўғлим, биринчи сабаблар бор. Энг бунинчи сабаб — қонуларимизнинг бўшлығыда. Жиноятчиликнинг даражасига қараб, жаробгарликни кучайтириш керак.

Кейин маҳалла қўмиталарида ишловчиларнинг масъулиятини ошириш лозим. Майли улар бошқа жойда ишламасин, маҳалланинг ўзи бокиб олади. Фақат нияти қора шахслар билан шуғулла-



нишсин, милицияга амалий ёрдам беришсин.

— Айтингчи, ИИБ ходимлари сиздан хабар олиб туришадими?

— Худого шукур, бирорта йиғин менинг иштирокимсиз ўтмайди. Бошлиқ ўринбосари, милиция майори Мусажон Ўринбоев, айниқса, бошқача. Тез-тез бизникита келиб туради. Маслаҳат сўрайди. Кеча хотини лағмон пишириб келибди, денг. Кўнглим тоғдай кўтарилди.

— Ундай бўлса, ўша йиғитларга Наврўз муносабати билан қандай тилакларингиз бор?

— Хафа бўлмайсан, ўғлим тузук бола экансан, ёқиб қолдинг. Энди «сен» деб гапираман.

Қани қўлингни оч. Илоҳим, замонамиз тинч-осойишта бўлсин. Юрт осойишталигини қўриқлашдек муқаддас ишга бел боғлабсизлар, фалокат яқин йўламасин. Домо бола-чақаларингизга бош бўлинглар. Наврўзимиз қутли-баракали келсин. Омин, оллоху акбар.

Раҳмон АЛИ.
СУРАТДА: Ш. ҚўШАЕВ.

ХУШ ИСИ

Шунинг учун ҳам Наврўзда дўст-биродарлар йўқланади, кексалару хасталар ҳузурига бориб, уларнинг кўнглини хуш этишга уринилади. Чор-атроф тозаланиб, гуллар, турли хил дарахт кўчатлари экилади. Яхши ниятда бошланган ишнинг натижаси ҳам хайрли бўлади. Шу сабабдан ҳам халқимиз боғ ва дала юмушларини уюшқоқлик билан ташкил этиш, уни завқ-шавқ ҳамда кўтаринки руҳ, хуш кайфият билан бошлаш учун Наврўздан фойдаланади. Чунки сахий табиатнинг зеболиги, гўзаллиги, унинг муаттар, сромбахш бўйи Наврўз чоғида барқ уради. Дала-даштга ажиб бир файзу тароват битади. Шундай пайтда, шоду хуррам давраларда боболар йиғитларга боғ барпо этиш, кўчат пайванди, уруғ қадаш, мол-ҳолга қараш сирларини ўргатса, момолар қизу келинчаларга ўрмак тўқиш, кашта тикиш, рўзгор юритиш санъатидан дарс беради. Қўйингки, авлодларимизнинг минг йиллар давомида тўпланган тажрибасини — деҳқончилик, боғбонлик, пазандалик, халқ қўшиқларини қуйлашни ёшлар фақатгина нуруний инсонлардан яхшироқ ўрганиши мумкин. Бу Наврўзнинг нақадар тарбиявий аҳамиятга эгаллигини, унинг меҳнат билан эғизак эканлигини билдиради.

Наврўз байрамининг шодийналари давомида турли хил сайллар ҳам ўтказилади. Шулардан бири — «Лола сайли»да одамлар тоғу тош, қир-адирларга чиқиб, табиятнинг гўзаллигидан баҳраманд бўлса, «Сумалак базми»да ҳосилни улуглаш, ризқ-рўз улашиш ҳақида лапар, халқ қўшиқлари қуйланади. «Қўшчи базми»да эса икки ҳўкизга қўшилган қўшга қишлоқнинг энг ҳурматли кексаларидан бири қўшчилик қилиб, биринчи сўгани ерга қадайд. Сўнгра оқсоқол ерга бир сиқим дон сочади. Бу деҳқончилик ишларининг бошланишидир. Янги мавсумнинг

илик соатлари бу ерда тўпланганларда илиқ таассурот уйғотиб, ерга, меҳнатга меҳрини оширади.

Тантаналар давомида кўпқари, кураш, арқон тортиш, чиллик, пойма каби мусобақалар ўтказилиб, йиғитлар ўзаро беллашадилар. Бир томонда мушоира авжига чиқади. Қизиқчилар, дарбозлар ўз санъатини намойиш этади. Қисқаси, чор-атрофни нафосат, гўзаллик, назокат ва латифлик қамраб олади.

Наврўз қувончининг қудрати катта. Бу байрам биринчидан, турли дунёқарашдаги одамларни бир мақсад сари етаклайди, кўпчиликни бирлаштиради. Шунинг учун у умумхалқ байрамидир. Иккинчидан, халқимиз «Бир кун жанжал бўлган уйдан қирқ кунлик барака кўтарилади», деб бежиз айтмаган. Шу сабабли Наврўз нишонланаётган кунлари одамлар, қишлоқ билан қишлоқ, уруғ билан уруғ ўртасидаги турли хил можаролар ҳал этилиб, урушлар тўхтатилган, икки томон бир-биридан кечирин сўраб ярашишган. Бошқача айтганда, хонадонга барака кирган. Учинчидан, кишилар ҳар хил мусобақа ва мушоираларда фарзандларининг неларга қодир эканлигини синаб кўриб, ёшларнинг ютуқларидан завқланган, уларга умр йўлдоши танлаганлар. Тўртинчидан, шу кунги қишлоқ оқсоқоллари халқ олдида ҳисоб берган. Агар улар қишлоқдошларига муносиб хизмат қилган, яхши-ёмон кунларида халқ билан бирга бўлган бўлса, улар вазибаларига қайта сайланган. Ўз манфаатини кўзлаб, бошқалар билан иши бўлмаган оқсоқоллардан халқ воз кечган. Бу удум қани энди Наврўз баҳона бизнинг замонда ҳам амалга ошса? Эътибордан қолган баъзи бир қўйи бўйин раҳбарларининг ўрни халқ истаги билан жонкуяр, фидойи инсонларга бўшатиб берилса? Орзуга айб йўқ, дейдилар. Яна бир ниятим, бугун «02» га ҳеч қандай ташвишли кўнгироқ бўлмасин, сим қоққанлар фақат осойишталик побонларини байрам ила қўтласинлар. Илоҳим, ялпиз ҳиди анқиган боғларда гўдакларнинг кулгу-си, ҳаёт гулини хуш иси мавжланаверсин.

Мўмин МИРЗО.



**ОМАД
КЕЛТИРСИН!**



Қадим-қадимдан бир тушунча бор. Қўй йили тинчлик-хотиржамлик, қисқача айтганда, омадли йил ҳисобланади. Бу тушунча ота-боболаримизнинг асрлар мобайнидаги кузатувлари асосида шаклланган.

Лекин қўйнинг қандай яхши томонлари бор — бу ҳақда кўпинча ўйлаб ҳам ўтирмаймиз.

Қўй — бундан минг-минг йиллар муқаддам одамга ўргатилган жонивор. Ҳатто уни етти хазинанинг бири, дейлиши ҳам бежиз эмас. Қўй боққан одамнинг уйида қутбароқа бўлади, донмо тўрт мучаси соғ юради. Сабаби нима?

Биринчидан, қўй-қўзилар асосан қир-адирларда, бепоя кенгликларда боқилади. Одатда бундай жойларда губор деган нарсанинг ўзи йўқ.

Иккинчидан, нуроний отахонлар билан суҳбатлашиб қолсангиз, авваллари одамларнинг бақувват, икки юзи қип-қизил бўлишганини айтишди. Сабаби фақат янги сўйилган қўй гўшtidан тайёрланган таомларни истеъмол қилишган, дейишди. Бу гапнинг тўғрилигини замонавий тиббиётимиз ҳам тасдиқлайди. Қўй гўшtidа киши организмига ўта фойдали витаминлар кўп. Бу жониворнинг жигарини еган

одамнинг кўзи равшан тортади.

Авваллари тўй-маъракаларда, халқ сайларида қўчқор уриштириш одати бор эди. Бу одат жумҳуриятимизнинг баъзи минтақаларида ҳанузгача сақланиб қолган. Икки қўчқор сузишганда, бир-бирини бир тонна куч билан урар экан. Шунинг учун бўлса керак, унинг миясини истеъмол қилган одамнинг ақли расо бўлади. Қолаверса, қўй жуда сезгир ҳайвон. Ухлаётган пайтида ҳам «тиқ» этган шарпани сезади. Бу жиҳати ҳам фойдали.

Энг муҳими унинг гўшtidан турли-туман таомлар тайёрлаш ҳамда суягидан дори-дармонлар олиш мумкин. Териси қайта ишланса, чиройли қишлоқ иссиқ кийимлар, жунидан эса роҳатжон пальто, пайпоқ, қалпоқ ва бошқа буюмлар тўқиса бўлади. Хуллас, қўй боққан одам зарар қилмайди.

Жорий йилимиз ана шундай беозор, конифойда уй ҳайвони номи билан аталади. Илоҳим, қўй йили ҳар доимгидек юртимизга тинчлик-осойишталик, тўқин-сочинлик олиб келсин.

**Муҳаммадjon
МАМАЖОНОВ,
меҳнат кексаси.**



Ҳозиргидек ёдимда, Ҳар йили баҳор эпкини эса бошлаши биланоқ момом (руҳлари ҳаминча шод бўлсин) шу гапни қайта-қайта такрорларди. Сўнг яхшилаб тозаланган текис ёғоч бўлаги устига бугдой сочар ва овлоқ хонага уни ундиришга қўяди. Бу уйга момом ҳар кимни ҳам киргизавермасди.

— Болажоним, сумалак ҳалол таом. Унинг майсаси ҳам покизаликни ёқтиради. Бекорга унга Момо Ҳавонинг назарлари тушмаган. Агар кўрмоқчи бўлсанг, майли, фақат таҳорат қилиб олгин, — дердилар.

Шунинг учун ҳам ҳар баҳорда маҳалла, қишлоқ аёллари сумалак пиширмоқчи бўлсалар, тўпланишиб бугдой ундиришни муҳтарам бувиларимизга тоширадилар. Балки, шу сабабга кўра, сумалак энг тотли, тансиқ таомдир.

Наврўз айёмининг суюкли неъматини — сумалакнинг келиб чиқиши ота-боболаримизда деҳқончилик қилишга эҳтиёж туғилиши билан боғлиқ. Ибтидоий жамоа тузуми даврида эрлар дарахт кесиби, рўзгорга керакли у-бу нарсаларни ясаш, жанг қилиш, овга бориш билан шуғулланган. Аёллар эса атрофдан ҳар хил ўсимликлар йиғиб, овқат тайёрлаш билан банд бўлган. Ривоятларга кўра, аёл эрта баҳорда эрини жангга юбориб, оч қолган болаларига бирор егулик излаб чиқади. Ҳеч вақо топмагач, юриб-юриб янги унинг чиққан майсага кўзи тушади. Уни суғуриб олиш учун илдизини кавласа, майда-майда донлар борлигини

кўради. Аёл майсани авайлаб юлиб келиб, тозалаб қозонга солади. Тагига олмасин деган мақсадда беш-олтита тош ҳам ташлаб қўяди. Бир кеча-кундуз қайнагач, у шундайин тотли таом бўлади-ки, болалар мазза қилиб ейдилар. Аёл эса майса қаригунча уни такрор-такрор пишираверган. Кейинчалик момоларимиз сумалакни бугдой экиб ундириш йўли билан тайёрлашни ўрганиб олдидилар. Халқ эса бир ой давомда сумалак пишириб ейишга одатланди. Шундай қилиб деҳқончилик кашф этилди.

Сумалак баҳорнинг илк тансиқ таоми бўлгани учун ҳам кексалар унга қўл узатишдан олдин «Э, Оллоҳ, шу кунларга етказганинга шукр, янги чиққан янглик, ҳеч кўрмайлик ёмонлик», деб калима қайтардилар. Бу — халқимизнинг ана шу неъматга бўлган катта ҳурмати, эъзози.

Айтишларича, аجدодларимиз қадимда нафақат бугдой, балки арпа майсасидан ҳам сумалак тайёрлашган. Чунки, арпанинг фойдаси кўп экан. Ўз илми-ю, буюк салоҳияти билан танилган бобомиз Умар Хайём «Наврўзна» асарига арпанинг хосияти ҳақида гапириб, бир ривоятни келтиради: «Айтишларича, одам алайҳиссалом бугдой еб қўйган ва шунинг учун уни беҳишдан ҳайдаганлар. Изид таоло унга бугдойни овқат деб белгилади, аммо у бугдойдан қанча емасин, тўймас эди. Шунинг учун у Изид таолодан илтижолар қилди ва у арпа юборди, ундан нон қи-

либ егач тўйди. Шундан кейин у агар яшил ва янги арпани кўрса яхшиликка йўяди. Шу сабабли Ажам подшоҳлари ҳар йили Наврўзда фойдали ва қутлуг бўлгани учун арпадан баҳраманд бўлишни истар эдилар». Шу рисоладаги бошқа бир ривоятда «Эшиттишимча, кунлардан бир кун Хусравнинг отаси Хурмуз (579-590 йилларда подшоҳлик қилган) арпа экилган дала олтидан ўтиб бораётган экан. Арпазор суғорилаётган бўлиб, тошиб кетган сув йўл устига оқиб чиққан эди. Фарвардин (маъноси жаннатлар дегани бўлиб, бу ой ўсимликлар ўсишининг бошланиши, яъни Ҳамал буржига кирувчи ойдир) эди. Арпа дони шарофатли, пояси эса қутлуг деб, у ичмиш учун бир кўзага сув тўлдириб олишни буюрди. Арпазордан сизиб чиққан сув чарчоқни камайтиради ва қорин оғригини тузатади, уни ичган одам кейинги йил арпа пишгунга қадар касалликлардан ҳамда чанқоқ азобидан холи бўлади», дейилган.

Юқоридаги ривоятларни ўқигач, «тавба» дедим. Халқимиз «Сумалакка тўйган одам келгуси баҳоргача тетик юради», деб бежиз айтмаган экан. Шу сабабли одамлар баҳорни, сумалакни интизорлик, соғинч билан кутаркан. Бу галги Наврўзга, сумалакка эса инсонларнинг кўпчилиги покланган иймон билан келганлар. Уларнинг сафи кенгайверсин.

Мен ҳам сумалакни соғиндим...

Абду МҶМИН.

Мучалингизни биласизми?

Маймун	1920	1932	1944	1956	1968	1980	1992
Хўроз (товуқ)	1921	1933	1945	1957	1969	1981	1993
Ит	1922	1934	1946	1958	1970	1982	1994
Тўнғиз	1923	1935	1947	1959	1971	1983	1995
Сичқон	1924	1936	1948	1960	1972	1984	1996
Ҳўкиз (сиғир)	1925	1937	1949	1961	1973	1985	1997
Йўлбарс	1926	1938	1950	1962	1974	1986	1998
Қуён	1927	1939	1951	1963	1975	1987	1999
Аждарҳо (балиқ)	1928	1940	1952	1964	1976	1988	2000
Илон	1929	1941	1953	1965	1977	1989	2001
От	1930	1942	1954	1966	1978	1990	2002
Қўй	1931	1943	1955	1967	1979	1991	2003

БИРГА КУТАМИЗ

Наврўз инсонни эъозлашга, она табиятни севишга, ҳамжиҳатликка, тинчликка даъват этади. У халқлар ўртасида дўстликни мустаҳкамловчи, гинакудратларга бэрҳам берувчи байрамдир. Наврўзнинг бу анъаналари вилоятимизнинг кўпгина жойларида ҳам давом этмоқда. Минг йиллик қадрдонлар бир-бирини йўқламоқдалар.

Гагарин тумани Туркманистоннинг Чоршанги тумани билан чегарадош. Бу ерда ўзбеклар билан туркманлар қалин дўст, куда-анда бўлиб кетишган. Қариндошлар байрам кунини яна катта дастурхон атрофида тўпланишадилар. Алишер


Навой, Махтумқули, Огаҳий газаллари, халқ қўшиқлари айтилади, байрам совғалари улашिलाди.

Сариосиё билан қўшни Регар тумани аҳолиси ҳам қон-қариндош бўлиб боғланиб кетишган. Ҳар бир қутлуг кунларда Сариосиё ва Турсунзода шаҳри меҳнатнашлари бир-бириникида меҳмонда бўладилар. Бугун ҳам шундай бўлмоқда. Тантачаларда ўзбек, тожик ва бошқа тилларда лапарлар, мақомлар, мушоиралар янграмоқда. Шундай дўстлик учрашувлари Термизда ҳам бўлиб ўтмоқда. Қўшни Афғонистондан меҳмонлар келишган. Афғон халқ милицияси вакиллари —

царандойлар бошқармамиз ходимлари билан танишадилар, «Биродарлик» хиёбонидаги ёдгорлик пойга биргаликда гуллар қўйилади. Шу билан бирга ҳарбий шифохонада даволанаётган жангчилар ҳузурига борилади. У ерда концерт қўйиб берилади.

Ангор туманидаги Қорақир қишлоғида қўшни Гагарин ва Жарқўрғон тумани чавандозлари йиғилиб, катта кўпкаринда қатнашмоқдалар. Бизнинг ходимларимиз ҳам от сурмоқдалар. Наврўзнинг қадами кутлуг келиб, йил бўйи фақат хурсандчилик бўлаверсин.

Эркин ҚОДИРОВ, Сурхондарё вилояти ИИБ бошлиғининг ўринбосари, милиция подполковниги.



Таҳририятимизнинг фаол кўмакчиларидан бири ҳисобланган Элшод Раҳматов рўзномасеварларга янги йил бошқотирмасини тақдим этди. Нуқталар ўрнига мос ҳарфларни қўйиш билан Шарқнинг буюк алломаси Умар Ҳайёмнинг неча асрлар бурун Наврўз ҳақида битган ҳикматини ўқиб олиш мумкин.